

12-1-2018

CONDITIONS AND OPPORTUNITIES OF USING ECONOMICAL POTENTIAL OF SMALL BUSINESS IN UZBEKISTAN

B. Yusupov

Tashkent State Economical university

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Yusupov, B. (2018) "CONDITIONS AND OPPORTUNITIES OF USING ECONOMICAL POTENTIAL OF SMALL BUSINESS IN UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 8.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Б.Юсупов ТДИУ
мустақил тадқиқотчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕСНИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИДАН ФЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Мақолада кичик бизнес иқтисодий салоҳиятига таъсир кўрсатувчи омиллар ва иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш даражасини баҳолаш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар. кичик бизнес, иқтисодий салоҳият, иқтисодий ресурс, меҳнат ресурси, инвестиция ресурси, инновацион фаолият.

В статье рассмотрены вопросы влияющие факторы экономического потенциала малого бизнеса и оценка уровня использования экономического потенциала.

Ключевые слова: малый бизнес, экономический потенциал, экономический ресурс, трудовой ресурс, инвестиционный ресурс, инновационная деятельность.

The article was described the factors affecting the economic potential of small businesses and the level of assessment of economic capacity implements.

Keywords: small business, economic potential, economic resource, labor resource, investment resource, innovation activities.

Кириш

Мамлакатимизда кичик бизнесни иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишини рағбатлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш орқали ушбу секторни иқтисодий салоҳиятини янада ошириш алоҳида вазифа этиб белгиланган)[1]. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда иқтисодий салоҳият ва ундан самарали фойдаланиш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, миллий иқтисодиётнинг салоҳиятини тўғри аниқлаш ва унинг тўлқонли ишга туширилишини таъминлаш нафақат ривожланишнинг муҳим шарти, балки халқаро микёсда рақобатдошлигини таъминлашнинг замини ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий адабиётларда иқтисодий салоҳият мазмун моҳияти кенг очиб берилган. Хусусан, “салоҳият” (потенциал – лотинчада potential – куч, имконият) – бирон-бир нарсани ҳаракатга келтириш, муайян ҳолатда ушлаб туриш ёки сақлаш учун зарур бўлган воситалар, шароитлар мажмуи сифатида қаралади. Азрилиян А.Н. салоҳиятни мавжуд воситалар ва имкониятлар жамланмаси сифатида изоҳлайди [3]. Шешукова Т. Г., Колесень Е. В. “Иқтисодий салоҳият” категориясини хўжалик субъекти фаолияти таҳлилида қўлланилиши бўйича фикрларни билдириб ўтади [4]. Шундан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий салоҳият – бу мамлакат иқтисодиёти, унинг тармоқлари, корхоналар, хўжаликларнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, маҳсулот, товар, хизматларни ишлаб чиқариш, аҳолининг талаблари, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ривожланишини таъминлаш бўйича йиғма қобилиятини англатади.

Бундан кўринадики, иқтисодий салоҳиятнинг мазмунини очиб беришда ушбу масала “иқтисодий салоҳият” тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлган иқтисодий ресурс, имконият, захира, шароит, восита каби тушунчаларнинг нисбатини аниқлаш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Кўплаб иқтисодий адабиётларда келтирилган иқтисодий салоҳиятнинг таркибий унсурларини муайян тизимга солиб, уларнинг кичик бизнес иқтисодий салоҳияти таркибий унсурлари билан ўзаро нисбатини ифодаловчи илмий-услубий қоидаларни шакллантириш асосида “кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳияти” тушунчасининг қуйидаги таърифини илгари суриш мумкин: кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳияти умумий (мамлакат иқтисодиёти даражасидаги) иқтисодий салоҳиятдан фарқ қилиб, у кичик бизнес субъектлари (яъни, Ўзбекистон шароитида яқка тартибдаги тадбиркор, микрофирма ва кичик корхона) томонидан фойдаланилаётган ва қўшимча саъй-ҳаракат эвазига фойдаланишга киритилиши мумкин бўлган моддий ва номоддий ресурслар, воситалар, шароитлар, куч ва имкониятлар мажмуидан иборат.

Таҳлил ва натижалар

Кичик бизнес иқтисодий салоҳияти турли таркибий унсурлардан таркиб топар экан, улардан фойдаланиш даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам айнан шу унсурлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Масалан, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасига бир қатор омиллар таъсир кўрсатса, моддий ресурслардан фойдаланиш даражасига бошқа бир қатор омиллар гуруҳи таъсир кўрсатади. Шунга кўра, кичик бизнес иқтисодий салоҳиятининг таркибий унсури ҳамда унинг функционал тавсифидан келиб чиққан ҳолда унга таъсир кўрсатувчи омилларни қуйидаги тизим кўринишида ифодалаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал. Кичик бизнес иқтисодий салоҳияти таркибий унсурининг функционал тавсифидан келиб чиққан ҳолда таъсир кўрсатувчи омиллар тизими

Таркибий унсур	Функционал тавсифи	Муайян унсурга таъсир кўрсатувчи омиллар
Тармоқ (соҳа) ишлаб чиқариш ҳажми ва таркиби	Имконият	<ul style="list-style-type: none"> - кичик микёсдаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконият ва шароитларининг мавжудлиги; - кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан зарур хомашё ва материаллардан фойдаланиш имкониятининг яратилганлиги; - кичик бизнес субъектлари учун давлат томонидан тармоқ ишлаб чиқариши ҳажмида махсус квоталарнинг белгилаб берилганлиги, давлат харидлари ва буюртмаларининг жорий этилганлиги; - кичик бизнес инфратузилмаси фаолияти даражаси
Илмий-инновацион салоҳият	Имконият	<ul style="list-style-type: none"> - инновацион ишланмаларни яратиш ва тижоратлаштириш инфратузилмасининг мавжудлиги; - кичик микёсдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган технология бозорларининг ривожланганлик даражаси; - инновацион фаолият субъектлари (олимлар, инвесторлар, тадбиркорлар, давлат ва истеъмолчилар)нинг фаол ҳамкорлиги; - кичик илм сиғимли бизнес ҳисобига интеллектуал мулк ҳуқуқини тўлиқ жорий этиш шароитининг таъминланганлиги
Инвестициявий салоҳият	Имконият	<ul style="list-style-type: none"> - инвестиция, ахборот, кадр, маслаҳат бериш билан боғлиқ самарали инфратузилманинг мавжудлиги; - қулай инвестиция муҳитининг шаклланганлиги; - кичик бизнес фаолиятига ихтисослашган инвестиция фондларининг амал қилиши; - кичик бизнес субъектлари ва аҳоли учун қафолатланган қимматли қоғозлар бозорининг ташкил этилиши
Жамғарилган миллий бойлик	Захира	<ul style="list-style-type: none"> - мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш имконияти; - жамият ихтиёридаги бўш ресурсларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш имконияти
Мехнат ресурслари салоҳияти	Ресурс	<ul style="list-style-type: none"> - мехнат ресурсларининг эркин ҳаракатланиши имконининг мавжудлиги; - махсус шароитлар асосида ва иккиламчи бандлик имкониятлари; - эркин касб эгалари мехнат шароитларининг мавжудлиги
Табиий ресурслар салоҳияти	Ресурс	<ul style="list-style-type: none"> - кичик микёсдаги ишлаб чиқарувчилар учун табиий ресурслардан фойдаланиш имконияти; - табиий ресурслардан фойдаланишда имтиёзли шароитларнинг яратилганлиги
Моддий ресурслар салоҳияти	Ресурс	<ul style="list-style-type: none"> - кичик микёсдаги ишлаб чиқарувчилар учун моддий ресурслардан фойдаланиш имконияти; - моддий ресурслардан фойдаланишда имтиёзли шароитларнинг яратилганлиги
Тадбиркорлик қобилияти	Ресурс	<ul style="list-style-type: none"> - тадбиркорлик қобилиятига оид билим, малака ва кўникмаларни амалга татбиқ этиш имкониятининг мавжудлиги; - тадбиркорлик қобилиятини ривожлантиришни рағбатлантирувчи тизимнинг амал қилиши


Миллий иқтисодиётда кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш муҳим аҳамият касб этиб, у мазкур йўналишдаги тизимли чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини тақозо этади. Шунга кўра, ҳудуддаги кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишни баҳолаш ҳамда уни янада фаоллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш тартибини белгилаб олдик. Мазкур тартиб ҳудудлардаги иқтисодий ресурслардан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимини аниқлаб олиш ҳамда уларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишни талаб этади. Фикримизча, мамлакатимиз кичик бизнес корхоналари иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ифодалашга хизмат қилувчи қуйидаги кўрсаткичларни белгилаб олиш ва уларни ҳисоблаш усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ (2-жадвал).

2-жадвал. Иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш даражасини баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари

Кўрсаткич номи	Ҳисоблаш усули	Шартли белгилар
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг меҳнат билан бандликдаги даражаси ($БД_{КБХТ}$)	$БД_{КБХТ} = \frac{БС_{КБХТ}}{БС_{Х}} \times 100$	$БС_{КБХТ}$ – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда меҳнат билан бандлар сони, минг киши; $БС_{Х}$ – ҳудуддаги умумий бандлар сони, минг киши
Кичик бизнес корхоналарида меҳнат билан бандлик даражаси ($БД_{КБК}$)	$БД_{КБК} = \frac{БС_{КБК}}{БС_{КБХТ}} \times 100$	$БС_{КБК}$ – кичик бизнес корхоналарида меҳнат билан бандлар сони, минг киши
Кичик бизнес корхоналарида қўшимча меҳнат билан бандлик даражаси ($ҚБД_{КБК}$)	$ҚБД_{КБК} = \frac{БС_{Тў} + БС_{Ш}}{БС_{КБХТ}} \times 100$	$БС_{Тў}$ – кичик бизнес корхоналарида ташқи ўриндошларининг йиллик ўртача сони, минг киши $БС_{Ш}$ – кичик бизнес корхоналарида шартномалар асосида ишлаётган ходимларининг йиллик ўртача сони, минг киши
Кичик бизнес корхоналарининг асосий воситалар билан таъминланганлик даражаси ($АВД_{КБК}$)	$АВД_{КБК} = \frac{АВК_{КБК}}{КС_{КБ}}$	$АВК_{КБК}$ – кичик бизнес корхоналарида асосий воситаларининг бошланғич қиймати бўйича баҳоси, млрд. сўм
Кичик бизнес корхоналарининг инвестицион фаоллиги даражаси ($ИФД_{КБК}$)	$ИФД_{КБК} = \frac{ИХ_{КБК}}{КС_{КБ}}$	$ИХ_{КБК}$ – кичик бизнес корхоналарида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм; $КС_{КБ}$ – ҳудуддаги кичик бизнес корхоналари сони, бирлик
Кичик бизнес корхоналарида инновация жорий қилиш даражаси ($ИЖД_{КБК}$)	$ИЖД_{КБК} = \frac{ИС_{КБК}}{КС_{КБ}}$	$ИС_{КБК}$ – кичик бизнес корхоналари томонидан жорий қилинган инновациялар, бирлик
Кичик бизнес корхоналарида инновацион ишлаб чиқариш даражаси ($ИИЧД_{КБК}$)	$ИИЧД_{КБК} = \frac{ИТ_{КБК}}{КС_{КБ}}$	$ИТ_{КБК}$ – кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар, млрд. сўм
Кичик бизнес корхоналарида инновацияга ҳаражатлар даражаси	$ИХД_{КБК} = \frac{ТМТИХ_{КБК}}{КС_{КБ}}$	$ТМТИХ_{КБК}$ – кичик бизнес корхоналари томонидан технологик, маркетинг ва ташкилий

(ИХД _{КБК})		инновацияларга қилинган харажатлар, млрд. сўм
Кичик бизнес корхоналаридасаноат ишлаб чиқариш даражаси (СИЧД _{КБК})	$СИЧД_{КБК} = \frac{СМХ_{КБК}}{КС_{КБК}}$	СМХ _{КБК} – кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми, млрд. сўм
Кичик бизнес корхоналаридақурилиш ишларини бажариш даражаси (ҚИД _{КБК})	$ҚИД_{КБК} = \frac{ҚХ_{КБК}}{КС_{КБК}}$	ҚХ _{КБК} – кичик бизнес корхоналарининг ўз қучи билан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм
Кичик бизнес корхоналари улгуржи савдо даражаси (УСД _{КБК})	$УСД_{КБК} = \frac{УС_{КБК}}{КС_{КБК}}$	УС _{КБК} – кичик бизнес корхоналарининг улгуржи савдо айланмаси, млрд. сўм
Кичик бизнес корхоналари чакана савдо даражаси (ЧСД _{КБК})	$ЧСД_{КБК} = \frac{ЧС_{КБК}}{КС_{КБК}}$	ЧС _{КБК} – кичик бизнес корхоналарининг чакана савдо айланмаси, млрд. сўм
Кичик бизнес корхоналари бозор хизматлари даражаси (БХД _{КБК})	$БХД_{КБК} = \frac{БХ_{КБК}}{КС_{КБК}}$	БХ _{КБК} – кичик бизнес корхоналари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми, млрд. сўм

Бирок, таъкидлаш лозимки, ҳудудлар бўйича иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш даражасини ифодалаш мақсадида ҳосил қилинган ушбу кўрсаткичлар маълумотлари бу борадаги яхлит, умумий манзарани кўрсатиб беролмайди. Шунга кўра, ишда ҳудудлардаги кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасининг индекси ва рейтингини аниқлаш услуби ишлаб чиқилиб, Ўзбекистоннинг 2017 йилда бу борадаги кўрсаткичлари аниқланди (1-расм) [5].



1-расм. Ўзбекистон ҳудудлари бўйича кичик бизнес иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражаси индекслари ва рейтингини, 2017 йил.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий сиёсат ўз таркибига соҳанинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш жараёнларини ҳам қамраб олади. Бу борада яратилган шарт-шароитларни умумий ҳолда иқтисодий салоҳиятдан фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, ташкилий механизмлари, уни рағбатлантирувчи бозор ва маъмурий тавсифдаги иқтисодий дастаклар таҳлили каби йўналишларга ажратиш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда амалдаги қонунчилик ҳужжатларида кичик бизнес корхоналари томонидан ходимларни ишга ёллаш жараёни ўз мазмунига кўра рағбатлантирувчи эмас, балки чегараловчи қайдлар белгиланган. Жумладан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунга кўра, “Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ходимлар сонини ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади” [2] деб белгилаб қўйилган. Фикримизча, кичик бизнес корхоналари томонидан ходимларни ишга ёллаш жараёни мазмунидаги чегараловчи тавсифни ўзгартириб, унинг ўрнига рағбатлантирувчи тавсифни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари томонидан меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини қатор кўрсаткичлар орқали таҳлил қилиш мумкин (3-жадвал) [5].

3-жадвал. Кичик бизнес субъектлари томонидан меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолати

Кўрсаткич	2013	2014	2015	2016	2017
КБХТда меҳнат билан банд бўлганлар сони, минг киши	9604,0	9950,8	10170,4	10397,5	10541,5
КБХТ субъектлари томонидан меҳнат ресурсларини банд қилиш даражаси, олдинги йилга нисбатан фоизда	×	103,6	102,2	102,2	101,4
КБХТ субъектлари томонидан меҳнат ресурсларини банд қилиш даражаси, олдинги йилга нисбатан минг киши	×	346,8	219,6	227,1	144,0

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан меҳнат ресурсларини жалб қилиш даражаси пасайиб бормоқда.

Агар республика бўйича бўйича мазкур кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 2014 йилда 103,6 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда тегишли равишда 102,2, 102,2, 101,4 фоиз даражасига қадар пасайиб борган. Айниқса, 2017 йилда меҳнат ресурсларини қўшимча равишда бандлиги даражасининг пасайиши кузатилиб, жумладан, Тошкент вилоятида 21,3 минг киши, Навоий вилоятида 3,9 минг киши, Сирдарё вилоятида 1,4 минг кишига қисқарган.

2017 йилда иқтисодиёт тармоқлари орасида меҳнат ресурсларининг аҳамиятли қисми (деярли 66%) саноат (жами ходимларнинг 33,8%), савдо (17,4%) ва қурилиш (14,7%) тармоқлари корхоналарига тўғри келган. 2013-2017 йилларда иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича банд қилинган меҳнат ресурслари сонига саноат, ташиш ва саклаш, қурилиш тармоқлари етакчи ўрин эгаллаган бўлса, аксинча, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, савдо, ахборот ва алоқа, молиявий ва суғурта фаолияти тармоқ ва соҳаларида бандлар сони қисқарган.

Кичик бизнес томонидан иқтисодий салоҳиятдан фойдаланишни баҳолашда асосий воситалар билан боғлиқ ҳолатларнинг таҳлили муҳим ўрин тутди (4-жадвал) [5].

4-жадвал. Кичик бизнес корхоналарида асосий воситалардан фойдаланиш кўрсаткичлари

Кўрсаткич	2013	2014	2015	2016	2017
Йил охирига асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси, млрд. сўм	19596,0	25290,9	31174,5	40047,4	54735,2
Ўтган йилга нисбатан асосий воситалар қийматининг ўсиши, фоиз	x	129,1	123,3	128,5	136,7
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўм	4052,2	5702,6	6523,4	8442,4	14076,7
Йил охирига асосий воситаларнинг эскириш суммаси, млрд. сўм	4826,5	6148,8	7900,1	10396,1	13324,6
Ўтган йилга нисбатан асосий воситалар қиймати эскириш суммасининг ўсиши, фоиз	x	127,4	128,5	131,6	128,2
Асосий воситаларнинг эскириш даражаси, фоиз	24,6	24,3	25,3	26,0	24,3
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар (-)), млрд. сўм	6721,9	8136,1	10466,6	16271,6	13042,5
Асосий воситалар рентабеллиги, фоиз	34,3	32,2	33,6	40,6	23,8
Рўйхатдаги ходимларнинг йиллик ўртача сони (ташқиўриндошларсиз), минг киши	762,4	771,7	775,7	825,2	908,0
1 та ходимга тўғри келувчи асосий фондлар қиймати, млн. сўм	25,7	32,8	40,2	48,5	60,3
Ўтган йилга нисбатан 1 та ходимга тўғри келувчи асосий фондлар қийматининг ўсиши, фоиз	x	127,5	122,6	120,8	124,2

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2013-2017 йиллар мобайнида кичик бизнес корхоналарида асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 2,8 марта ўсган бўлиб, кейинги йилларда мазкур кўрсаткич сезиларли равишда ошиб бормоқда (2016 йилда 128,5%, 2017 йилда 136,7%). Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми таҳлил даврида деярли 3,5 марта ўсган. Бироқ, кичик бизнес корхоналарида асосий воситалар қийматининг эскириши ҳам жадал суръатларда бориб, таҳлил даврида бу кўрсаткич деярли 2,8 марта ўсган. Умуман олганда, таҳлил қилинаётган даврда асосий воситаларнинг эскириш даражаси 24-26% атрофида бўлган. Бу, бир томондан, мазкур корхоналарда қўлланилаётган асосий воситаларнинг катта қисмини нисбатан тез эскирувчан (масалан, офис техникаси, автомобиль ва ҳ.к.) ташкил этиши

билан изоҳланса, бошқа томондан, кичик бизнес субъектлари томонидан жадаллашган амортизация меъёрларининг қўлланиши билан ҳам изоҳланиши мумкин. Асосий воситалар рентабеллиги 2013-2015 йилларда 32-34 фоиз атрофида бўлса, 2016 йилда нисбатан юқори кўрсаткич – 40,6 фоизни ташкил этиб, 2017 йилда 23,8 фоизга қадар пасайган. Шунга қарамасдан, асосий воситаларнинг рентабеллиги даражаси нисбатан юқори бўлиб, бунинг сабаби улар таркибида актив қисми (масалан, машина, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, приборлар)нинг юқорилиги билан изоҳланади.

Кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолашда унинг инвестиция ресурслардан фойдаланиш ҳолатининг таҳлили муҳим ўрин тутаяди (5-жадвал) [5].

5-жадвал. Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг инвестиция ресурсларидан фойдаланиш ҳолати

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	4052,2	5702,6	6523,4	8442,4	14076,7
шу жумладан, технологик таркиби бўйича:					
машина, ускуналар ва хўжалик жиҳозларини сотиб олишга инвестициялар	3034,7	4430,2	5108,8	6707,9	10728
қурилиш-монтаж ишлари	873,4	1090,3	1290,2	1609,2	2991,5
бошқа харажатлар	144,0	182,1	124,4	125,3	147,6
шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:					
корхоналарнинг ўз маблағлари	2264,0	2942,7	3624,7	4702,7	7358,5
чет эл инвесторлари маблағлари, уларнинг реинвестицияларини қўшган ҳолда	310,9	564,5	329,8	862,4	886,1
чет эл кредитлари	1,3	27,6	509,9	185,1	497,2
банк кредитлари	1236,1	1786,2	1712,0	2159,1	4699,2
бошқалар	239,9	381,6	346,9	533,1	635,7

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинаётган даврда республика бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари ҳажми деярли 3,5 марта ошган. Бироқ, ҳудудлари бўйича ушбу кўрсаткич динамикаси бир хил даражада эмас. Жумладан, 2017 йилда барча инвестицияларнинг тахминан 40 фоизи Тошкент шаҳри, 11 фоиздан кўпроқ қисми Тошкент вилоятидаги кичик тадбиркорлик субъектларига тўғри келган. Шунингдек, айрим ҳудудларда инвестициялар ҳажмининг ўсишида барқарорлик мавжуд эмас. 2013-2017 йиллар давомида кичик бизнес корхоналари томонидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми бўйича айрим тармоқлардаги ўсиш салмоқли бўлган: саноатда 415,5%, молиявий ва суғурта фаолияти тармоғида 733,2%, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш тармоғида 553,3%, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш тармоғида 722,4%.

Кичик бизнес корхоналарининг асосий капиталга киритилган инвестицияларини молиялаштириш манбалари бўйича солиштирма

салмоғининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу борада энг катта салмоқ корхоналарнинг ўз маблағларига тегишли бўлиб, у 2013 йилдаги 55,9%дан 2017 йилда 52,3%га қадар пасайиб борган. Ўз салмоғининг аҳамиятлилиги бўйича навбатдаги манба банк кредитлари бўлиб, у 2013 йилдаги 30,5%дан 2017 йилда 33,4%га қадар ўсган. Чет эл инвесторлари маблағлари тегишли равишда 7,7%дан 6,3%га қадар пасайган бўлса, чет эл кредитларининг салмоғи деярли 0 даражадан 3,5%га қадар ошган. Бундан кўринадики, таҳлил даврида кичик бизнес корхоналарининг асосий капиталга киритилган инвестицияларини молиялаштириш манбалари орасида банк кредитлари ва чет эл кредитларининг салмоғида ўсиш тенденциялари кузатилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарида инновацион фаолият кўрсаткичларини баҳолаш орқали мазкур йўналишдаги салоҳиятдан фойдаланиш даражаси таҳлилни амалга ошириш мумкин (6-жадвал) [5].

6-жадвал. Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг жорий қилган инновациялари ва уларга сарфланган ресурслар ҳолати

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017
Жорий қилинган инновациялар, бирлик	624	808	884	818	1180
Ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар, млрд. сўм	409,8	1160,7	1681,8	1671,9	2320,3
Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар, млрд. сўм	181,2	351,4	354,8	211,4	717,2
шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:					
корхонанинг ўз маблағлари	163,1	331,2	318,2	181	491,7
чет эл инвестициялари	8,2	5,7	6,2	6,1	144,7
тижорат банкларининг кредитлари	9,8	13,8	24,9	23,6	36,6
бошқа маблағлар	0,1	0,7	5,5	0,7	44,3

Жадвалдан кўринадики, 2013-2017 йиллар мобайнида республика кичик бизнес субъектлари томонидан жорий қилинган инновациялар сони 189,1%га, ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар қиймати 5,7 баравар, технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга қилинган харажатлар ҳажми 4 баравар ўсган. Харажатларни молиялаштириш манбалари таркибида энг катта салмоқ корхонанинг ўз маблағларига (2017 йилда 69%), чет эл инвестицияларига (20,2%) тўғри келмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳияти ҳамда ундан фойдаланиш даражасининг мунтазам равишда баҳолаб борилиши нафақат мазкур соҳа, балки яхлит иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ҳамда рақобатбардошлик даражасининг ошишига имкон яратади. Шунингдек, кичик бизнес иқтисодий салоҳиятини алоҳида таркибий унсурлари ҳамда мамлакатнинг ҳар бир маъмурий-худудий даражаси бўйича баҳолашни амалга ошириш орқали соҳа фаолиятини тартибга солиш, уни барқарор ва мақсадга

мувофиқ ривожлантириш борасида таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқишга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони., www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. – www.lex.uz
3. Большой экономический словарь / под. ред. А.Н. Азрилияна. – 2-е изд. доп. и перераб. – М.: Институт новой экономики, 1997. – 864 с.
4. Шешукова Т. Г., Колесень Е. В. Экономический потенциал предприятия: сущность, компоненты, структура // Вестник ПГУ. Серия: Экономика . 2011. №4.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари www.stat.uz.